



O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

№37 (790) 2024 йил 3 май, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

ШАҲАРСОЗЛИК ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон
ва Корея
инновацион
қурилиш йўлида



Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида "Шаҳарсозлик эволюцияси: Ўзбекистон ва Корея инновацион қурилиш йўлида" мавзусида халқаро семинар ўтказилди.



Кореялик мутахассислар, 30 дан ортиқ халқаро ҳамкорлар, 70 дан зиёд лойиҳа институтлари ҳамда маҳаллий ташкилотлар вакиллари, соҳа экспертлари иштирок этган семинарда халқаро пудратчилар уюшмаси танишуви, Корея ва Ўзбекистон мулоқоти, қурилиш соҳасидаги музокаралар, шаҳарсозлик норма ва қоидалари модернизацияси лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар, лойиҳанинг 2-босқичи масалалари муҳокама қилинди.

Семинарни очиб берган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров уни ташкил этишда кўрсатган кўмаги учун Кореянинг Ер, инфратузилма ва транспорт вазирлиги ҳамда Корея қурилиш ва технологиялар институти (KICT)га миннатдорлик билдириб, шундай деди:

– Иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган қурилиш соҳасида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, "Шаҳарсозлик нор-

малари ва қоидаларини модернизация қилиш" ҳамкорлик лойиҳасининг амалга оширилиши бунга яққол мисолдир. Лойиҳа доирасида бугунга қадар 120 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари модернизация қилинди ҳамда 30 нафар мутахассис Кореяда малака оширди. Шунингдек, лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳозирда соҳа учун долзарб ва устувор ҳисобланган қурилиш соҳасида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, "Шаҳарсозлик нор-

малари ва қоидаларини модернизация қилиш" ҳамкорлик лойиҳасининг амалга оширилиши бунга яққол мисолдир. Лойиҳа доирасида бугунга қадар 120 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари модернизация қилинди ҳамда 30 нафар мутахассис Кореяда малака оширди. Шунингдек, лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳозирда соҳа учун долзарб ва устувор ҳисобланган қурилиш соҳасида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, "Шаҳарсозлик нор-


малари ва қоидаларини модернизация қилиш" бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган, – деди Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиков. – Ҳамкорлик лойиҳаси бўйича икки томон келишувига кўра, 2022-2025 йиллар мобайнида жами 256 та, шундан 2022 йилда 20 та, 2023 йилда 82 та, 2024 йилда 102 та ҳамда 2025 йилда 52 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини Корея тажрибаси асосида модернизация қилиш белгиланган. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш ҳамда лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш мақсадида институтимизда янги

– Халқаро нормаларни уйғунлаштириш бошқармаси ҳам ташкил этилди. Бошқарма Америка, Хитой, Италия, Корея ва мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олган, малакали, илмий ходимлар билан тўлдирилди.

2-бет

Хитойлик ҳамкорлар билан самарали учрашувлар

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров Хитой Халқ Республикасининг China CAM Engineering Co., Ltd. компанияси директорлар кенгаши раиси Ванг Бо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Тошкент шаҳрида Олимпия шаҳарчасини барпо этишнинг бугунги босқичи муҳокама қилинди. Жаноб Ванг Бо Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Олимпия шаҳарчаси лойиҳаси мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим босқичи эканлигини таъкидлаб, пудратчи компания директорлар кенгаши раиси сифатида лойиҳа муваффақиятли амалга оширилиши учун барча имкониятларни ишга солишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув давомида асосий манфаатдор томонлар, жумладан, тегишли давлат органлари Спорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва лойиҳа бошқаруви гуруҳлари вакилларининг таклифлари муҳокама қилинди. Ушбу музокаралардан мақсад – лойиҳанинг ҳозирги ҳолати ҳақида умумий маълумот бериш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда потенциал стратегиялар бўйича фикр алмашиш ва лойиҳани халқаро стандартларга мослаштиришда ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганишдан иборат бўлди.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлик доирасида Батир Закиров Хитой Халқ Республикасининг йирик давлат қурилиш пудрат ташкилоти China State Construction Engineering Corporation (CSCEC) компанияси CSCEC International бош директори жаноб Гао Бо бошчилигидаги делегацияни ҳам

қабул қилди. Учрашувда жаноб Гао Бо компания ва унинг хорижий мамлакатларда амалга ошириб келаётган лойиҳалари тўғрисида тақдирот ўтказди.

Корпорация бугунги кунда Фортуне Глобал 500 рейтингига дунё бўйича 9-ўринда туради. Хитойнинг йирик 500 та компанияси орасида 3-ўринни эгаллайди ва дунёда тан олинган Moodys, S&P va Fith рейтингларида А даражасига эга. China State Construction Engineering Corporation дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ва минтақаларида фаолият юритади. Асосан кўчмас мулк инвестициялари, қурилиш (уй-жой, инфратузилма, тижорат кўчмас мулк) ва янги лойиҳа ҳамда қидирув фаолияти билан шуғулланади. Компания Хитойдаги 300 метрдан юқори осмонўпар биноларнинг 90 фоизидан ортигини, асосий аэропортларнинг 3/4 қисmini, сунъий йўлдошларни учуриш майдончаларининг 3/4 қисmini, шаҳар алоқа туннелларининг 3/4 қисmini ва атом электр станцияларининг 1/2 қисmini қурган.

Меҳмонлар Янги Тошкент лойиҳаси доирасида ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдириб, мазкур лойиҳага инвестиция киритиш имкониятлари ўрганиб чиқилаётганини маълум қилишди. Учрашув якунида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири компанияга "Янги Тошкент" шаҳрини барпо этиш дирекцияси томонидан зарур кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдириб, вазирлик бу борада зарур чоралар кўришини маълум қилди.

Цемент ишлаб чиқаришда жаҳон тажрибаси ўрганилди

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Энергия сарфини камайтириш, муқобил ёқилғига ўтиш, орбиталар экологик талабларга риоя қилган ҳолда чиқиндиларни камайтириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш ҳозирги кунда республикамиз цемент саноатида ҳал қилиниши керак бўлган асосий масалалардан ҳисобланади. Айни масалалар ечимини излаш мақсадида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси Германиянинг "KHD Humboldt Wedag" компанияси билан ҳамкорликда техник семинар ўтказди.

– Мазкур компания цемент ишлаб чиқариш бўйича жаҳон етакчиси бўлиб, сифатли маҳсулот кўламини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб, тармоққа замонавий ускуналарни ўрнатиш ва ишлаб чиқариш линияларини ишга тушириш бўйича 160 йилдан ортиқ фаолият юритиб келади, – деди компаниянинг Марказий Осиё бўйича раҳбари Нигора Каримова. – Семинар сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитга қарбонанг андигрид, азот оксидлари каби зарарли моддаларни камайтириш, энергия тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш орқали ёқилғи сарфини бир мунча камайтириш каби мавзуларга

бағишланди. Янги технологик усулларни Ўзбекистонга олиб кириш юзасидан хорижлик мутахассислар ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашишди. Ўзбекистон бозорини ўрганган ҳолда, компания ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида жорий йил бошида Тошкентда ўз офисини очди ва ҳозирда хорижий инвестор сифатида маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғига ўзининг хиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, "Қизилқумцемент" АЖда ҳозирда модернизация ишлари олиб боришмоқда. Бу орқали энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи сарфини камайтириш орқали сифатли цемент маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсад қилинган.



– Бугунги кунда мамлакатимизда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани сабабли асосий қурилиш материаллари ҳисобланган цементга бўлган

эҳтиёж ортди, – деди Ўзбекистон ФА Умумий ноорганик кимё институти "Стром" илмий лабораторияси ва синов маркази мудири, техника фанлари доктори, про-

фессор Фаррух Атабаев. – "Тараққиёт стратегияси"да ҳам 2026 йилгача йилига 25 миллион тоннагача цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган.

Биламиз, XXI аср чиқиндиларсиз аср. Шу сабабли ҳам энергиятежамкор технологияларни қўллаган ҳолда техноген чиқиндилардан фойдаланиб, цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бунинг самарасида "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш мақсадлари мужассам. Айниқса, бу борада цемент ишлаб чиқариш стандартларини қайта кўриб чиқиш ҳам долзарб вазифа. Бугунги кундаги стандартларда кўрсатилган хом ашёларнинг янги мамлакатимиз ҳудудида йўқ. Яна ярмининг захираси жуда кам ва яна бошқаларининг гидравлик фаоллиги кўрсатилган стандартларга мос келмайди. Шу сабабли ҳам "СТРОМ" лабораториясида бугунги кунда 90198 стандарти қайта кўрилиб, у Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига тақдим этилган. Ушбу стандартда юртимиз ҳудудидаги барча хом ашёларнинг гидравлик ҳолати даражаси ўрганилган ҳолда, цемент ишлаб чиқаришга татбиқ этиш кўзда тутилган. Уйлайманки, ушбу стандарт маъқулланиб, ҳаётга татбиқ этилади. Семинарда ҳам айнан турли замонавий ёндошувлар асосида тармоқни ривожлантириш ва бу борада янги технологиялар, эҳтиёт қисмларни татбиқ этиш, умуман юртимиз цемент саноатини Европа стандартларига уйғунлаштириш масалалари борасида фикр ва тажриба алмашишди.



ШАҲАРСОЗЛИК ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон ва Корея
инновацион қурилиш йўлида



Корея халқаро қурилиш ассоциацияси (ISAK) хориждаги қурилиш индустриясини тарғиб қилувчи ягона агентлик сифатида 1976 йилда ташкил этилган. ISAKнинг асосий вазифаси корейлик пудратчиларнинг хориждаги бизнесида кўмак кўрсатиш ва ривожлантиришдан иборат. Корея қурилиш муҳандислиги ва қурилиш технологияси институти (KICT) – қурилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотларни амалга оширадиган ҳамда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан шугулланади. Хусусан, ақли шаҳарлар концепциясини ишлаб чиқиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, бино-иншоотларнинг табиий офатларга барқарорлигини таъминлаш, бино-иншоотларда энергия са-

марадорлиқни таъминлаш шулар жумласидандир. KICT бугунги кунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан "Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш" ҳамкорлик лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Таъкидлаш керакки, 2022 йилдан ҳозирги кунгача 120 дан ортиқ шаҳарсозлик норма ва қоидалари корейлик экспертлар билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Айни пайтда ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишларга тегишли шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларини модернизация қилиш учун тақлифлар тайёрланди, Корея қурилиш тажрибаси миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига уйғунлаштирилмоқда. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичини 2025 йилда му-

вафқиятчи яқунлаб, иккинчи босқични ҳам жадал суръатларда давом эттириш режалаштирилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичида соҳа учун долзарб ва устувор ҳисобланган сейсмик мустаҳкамлик ва ёнғин хавфсизлиги бўйича синов лабораториясини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Тадбирда "Ўзбекистон қурилиш тармоғини ривожлантиришда қурилиш стандартларини модернизациялаш", "Ўзбекистонда норматив ҳужжатларни тизимлаштиришнинг замонавий тенденциялари", Кореяда ақли шаҳарларни ривожлантириш стратегияси. Марказий Осиёда ҳамкорлик йўналишлари" каби мавзуларда тақдиротлар ҳам амалга оширилди.

Бундан ташқари, семинар доирасида Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳасини мустаҳкамлашдаги хизматлари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш соҳасида эришган натижалари учун бир гуруҳ хорижий ва маҳаллий экспертлар тақдирланди. Мукофотларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров ҳамда Кореянинг KICT институти вице-президенти Квэк Ки Сок топширди. Бир сўз билан айтганда, қизгин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир давомида меҳмонлар, соҳа экспертлари ҳамда ОАВ вакиллари бир-биридан долзарб мавзулар юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топдилар.

Янги уй ишончли қурилиши керак

Муҳиддин ЗАЙРИДИНОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

Бугунги кунда пойтахтимизда кўплаб замонавий ва шинам турар жой мажмуалари қад ростламоқда. Ҳар бири ўзига хос архитектура услубига эга бу иншоотлар нафақат шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда, балки улар туфайли юзлаб юртдошларимиз уй-жойли ҳам бўлмоқда.

Ана шундай ишончли ва сифатли объектлардан бири – Яшнобод туманида қад ростлаётган "Сокин диёр" турар жой мажмуасидир. "Шохсарой уйлари" қурилиш компаниясига тегишли ушбу лойиҳа доирасида 2026 йилда 1600 та хонадон ўз эгаларига топширилиши режалаштирилган. Мажмуа 16 қаватдан иборат бўлиб, иншоот қурилиш ишлари учун қуруқ ва тошлоқ ер танлаб олинган. Шу сабабли, лойиҳа барча сейсмик талабларга жавоб бера олади.

Қурилиш соҳасида 10 йиллик иш тажриба ва 250 ходимга эга компания шу пайтга қадар 3 та лойиҳани тўлиқ яқунлаб, аллақачон юртдошларимиз ишончини қозониб улгурди, десак муболаға бўлмайди.



Чунки ҳозирга қадар Туркия ва Германия технологиялари асосида қурилган 500 га яқин хонадонда юртдошларимиз ҳаётидан миннатдор бўлиб яшаётгани фикримизнинг исботидир.

– Оила аъзоларимиз билан пойтахтдаги кўплаб янги қурилаётган уйлари кўрдик, – деди "Сокин диёр" турар жой мажмуасидан уй харид қилган юртдошимиз Турсуной Ашурхонова. – Бу мажмуа бизга ҳар тарафлама маъқул келди. Набираларим учун мактаб-боғча бир қадам, бозор ва дўконлар яқин. Университетда ўқийдиган набираларим учун ҳам метро ва авто-

бус бекатлари жуда қулай экан. Айниқса, номимга мос равишда тинч ва сокин ҳудудда эканлиги менга маъқул.

Мажмуа ҳақида, қурилиш жараёнида ишлатилаётган материаллар хусусида тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида мутахассисга юзландик.

– "Сокин диёр" лойиҳамаида 1 хонадон 4 хонагача уйлар мавжуд, – деди компаниянинг ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Эркин Рўзमतов. – Кўп қаватли уйлар фасадни монолит бетондан қуйилиб, ички бўлинмуви деворлар учун газоблокдан фойдаланилади. Лойиҳа ўз ичига 2 гектар

ер майдонини қамраб олади. Асосий ер қисмини яшил майдон ва бино эгаллайди. Бундан ташқари, режада болалар майдончаси, автотурагоҳ, боғча ва дўконлар ҳам бор. Шунингдек, ҳар бир бино учун алоҳида иситиш тизими ўрнатилган. Асосий лифтдан ташқари, оғир юклар учун қўшимча лифт ҳам мавжуд. Уларда махсус захира манбаи бўлиб, электр таъминотида узилиш юзига келса, 1-2 соат ишлаб тура олади. Энг муҳими, янги қурилаётган ҳар бир уй сифатли бўлиши шарт. Биз мана шу шioriн ўзимизга дастуриламал қилиб олганмиз. Биз қурган барча уйларда Россиянинг А-500 маркали арматуралари ишлатилади. Уйнинг асоси монолит бўлганлиги учун Б-25 маркали цементлардан фойдаланамиз. Газоблокни эса "Артон" фирмаси етказиб беради. Сифат қай даражада юқори бўлса, миқдор ишончи ҳам шу даражада мустаҳкам бўлади.

Ушбу мажмуанинг яна бир муҳим жиҳати, бино томидан бемалол терасса сифатида фойдаланиш мумкин. Хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида бино томи маркази ҳошиясида 1-1,5 метр пастда жойлашган бўлади. Ҳошия деворларида эса симли тўсиқ ўрнатилиши кўзда тутилган. Ёмғирли кунларда том сувга тўлмаслиги учун махсус сув йўллари ҳам ўтказилиши белгиланган. Бир сўз билан айтганда, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера оладиган мажмуа сифатида қад ростлаётган бу турар жойлар келгусида юртдошларимиз учун энг қадри ошганга айланади, деган умиддамиз.

Мажбурий бадаллар ёки тўловларнинг энг кам миқдори белгиланди

Муҳиддин ЗАЙРИДИНОВ, ЎЗЖОКУ талабаси.

2024 йил 1 майдан бошлаб энг кам тарифни қўллаш барча кўп қаватли уйлари бошқариш органлари учун мажбурий ҳисобланади. Бу ҳақда АОКАда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбарияти иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айтилди. Шунингдек, тадбирда кўп квартиралли уйлари бошқариш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.



2023 йил 15 август кунини давлатимиз раҳбарининг "Кўп квартиралли уйлар бошқарувини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ва рақамлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, кўп квартиралли уйларга туташ ер участкаларини мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқарув органлари томонидан агротехника ишлов беришдан ҳосил бўлган чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш мажбуриятини чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш корхоналарига юқлиш ҳамда соҳадаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш шулар жумласидандир.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан кўп квартиралли уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бошқарув органлари ва мулкдорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов интизомини таъминлаш мақсадида мажбурий бадаллар ёки тўловларнинг энг кам миқдори белгиланди. Бунда вазирлик ҳузурида ишчи гуруҳи тузилиб, республикадаги кўп квартиралли уйлари бошқариш органлари томонидан умумий мулкни сақлаш харажатларини туманлар бўйича, шунингдек, кўп квартиралли уйлари қаватлари сонига қараб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида таҳлил қилинди.

– Минимал қиймат оширилмади, – дея вазиятга изоҳ берди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов. – Биз ишлаб чиққан ҳисоб-китоблар натижасида ушбу қиймат минимал этиб олинди ва белгиланди. Бу қийматдан паст миқдор уйингизни сақлаб қолиш учун етарли бўлмайди. Мулкдорлар келишган ҳолатда ёки эҳтиёжларининг турларига қараб қийматни кўтаришлари мумкин, аммо минималидан паст сума бўлиши мумкин эмас. Мақсадиимиз – ҳар бир юртдошимизни бугунги кундан ва амалга оширилаётган ишлардан рози қилишдир. Таъкидлаш лозимки, абонентларнинг ўтган даврдаги мавжуд мажбуриятлари, яъни қарзлари бўйича қарз мажбуриятларини қайта ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилмайди. Эски тарифлар бўйича мавжуд қарз сақланиб қолади, факат умумий мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича бошқарув ташкилоти томонидан кўрсатилган хизматлар учун 1 майдан бошлаб тўлов миқдори ортади. Шунга қўра, мулкдорларнинг умумий мулкни сақлаш бўйича мажбуриятлари жорий йилнинг 1 майдан бошлаб янги тариф бўйича ҳисоблаб чиқилади ва мавжуд қарзга қўшилади. 2024 йил 1 майдан бошлаб энг кам тарифни қўллаш барча кўп қаватли уйлари бошқариш органлари учун мажбурий ҳисобланади.

Матбуот анжуманида вазирлик муарасаддилари журналист ва жамоатчилик фаолларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб беришди.

"Аҳоли минимал тариф жорий этилганидан сўнг бошқарув органидан нималарни талаб қила олади?" деган саволга қуйидагича жавоб берилди:

– Кўп квартиралли уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш бўйича 12 та, туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича 4 та, жами 16 та хизмат ва ишлар рўйхати келтириб ўтилган. Электр энергиясини таъминлаш, лифт ускуналарига хизмат кўрсатиш, заруратга қўра уйлари қаватлари ва кириш йўлакларини жорий, яъни эҳтиёжга қўра маълум қисмини таъмирлаш, ерўлада ўрнатилган ичимлик сув насослари ва муҳандислик тармоқлари созлогини таъминлаш, том қисми бутлигини сақлаш, промивка қилиш, иссиқлик изоляциясини сақлаш, дезинфекциялаш ишларини олиб бериш, оқова сув тармоғига уланмаган уйлардаги хандақларни тозалаш, кириш йўлакларини ва лифт хоналарини тозалаш, ободонлаштириш ва қўралмозорлаштиришга эътибор қаратиш, ноқулай об-ҳаво шароитида қорлар ва музламаларни тозалаш каби ишлар шулар жумласидандир. Мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори факатгина кўп квартиралли уйга техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш ва эксплуатация харажатлари учун сарфланади.

"Ақсарият кўп квартиралли уйлари қаватлари бошқарув органи улар билан шартнома тузмагани сабаб пул тўлашдан бош тортишди. Мазкур эътироз қанчалик ўринли? Бундай вазиятларда қандай йўл тутиш керак?"

Ушбу саволга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева шундай жавоб берди:

– Ўзбекистон Республикасининг

"Кўп квартиралли уйлари бошқариш тўғрисида"ги Қонунининг мақсади кўп квартиралли уйлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 16-моддасига асосан, жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда иштирок этишдан тўлиқ ёки қисман озод этмайди. Шунингдек, мазкур қонуннинг 21-моддасига асосан, умумий йиғилишда қарор қабул қилиниши учун барча жойлар мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроги ҳозир бўлиши керак. Умумий йиғилишнинг қарори, агар уни ёқлаб жойлар мулкдорларининг ёки уларнинг умумий йиғилишда ҳозир бўлган вакилларининг эллик фоизидан кўпроги овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Умумий йиғилиш қарори барча жойларнинг мулкдорлари, шу жумладан, овоз беришда иштирок этмаганлар ёки қарши овоз берганлар томонидан ҳам бажарилиши мажбурийлиги белгиланган. Шу сабабли, жой мулкдорлари кўп квартиралли уйларида хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари билан шартнома тузиши ёки тузмаганлиги кўп квартиралли уйнинг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлардан озод этмайди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Вилоят ҳокимлиги учун
янги бино қурилади

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хабарингиз бор, Андижон вилоятида “Янги Андижон” шаҳри бунёд этилмоқда. 10 йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган ушбу лойиҳа натижасида Андижон шаҳрига тенглашувчи янги маскан барпо бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 15–16 февраль кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида вилоят ҳокимлиги биносини ушбу манзилга кўчириш юзасидан кўрсатма берган эди. Кўни кеча бино қурилиши ишларига киришилди.

– Бунинг учун 4 гектар ер майдони ажратилган, – деди вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Муслимбек Иброҳимбеков. – Шундан, 7 минг 100 квадрат метрида қурилиш ишлари



амалга оширилади. 1,4 гектар қисмида эса яшил майдон барпо этилади. Янги бинолар 3 ва 5 қаватли бўлиб, 150 та маъмурий хонани ўз ичига олиши режалаштирилган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Қизилтепада обод
манзиллар кўпаймоқда

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Халқимиз азалдан ободликка интилиб яшаган. Бугун кундан-кунга ўзгача қиёфа касб этиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз кўрки, уларнинг шу юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини янада оширмоқда.

Кейинги йилларда турмушимизга татбиқ этилган “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари доирасида олиб борилаётган жадал чора-тадбирлар натижасида, аҳолининг йиллар давомида ечимлай келаётган кўплаб муаммолари ҳал этилмоқда.

Хусусан, Навоий вилояти Қизилтепа туманининг Суфийён маҳалласида ҳам кенг миқёсда муҳандислик коммуникациялари, электр, газ тармоқлари ҳамда ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, ҳудудда ижтимоий соҳа объектларидан – янги маҳалла биноси, “Уч авлод маскани”, сунъий қопламали мини майдон ва “Street Workout” спорт майдончалари, тикувчилик цехи, савдо ва гўшт дўконлари, сартарошхона ҳамда гузаллик салони бўлиб қуришмоқда.

– Айни пайтда “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида маҳалламиздаги 3,5 километр ички йўлларга тўлиқ шўғал тўкилган бўлса, 2,2 километр йўллар асфальт қилинди ва аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида 400 дан ортиқ симёғоч янгисига алмаштирилиб, 13,5 километр сим кабель тортилди, – деди Суфийён маҳалласи раиси Амриддин Латипов. – Сектор масъуллари томонидан маҳалла ҳудудини хатловдан ўтказиш жараёнида 33 та нотузар жой объекти тўлиқ битказилмаганиги аниқланиб, маҳалла эттилиги билан биргаликда ушбу жойлар масъуллари ўртасида бирма-бир суҳбат ўтказилди. Яқунда ҳоким ёрдамчиси томонидан

тегишли тавсиялар берилди. Ушбу объектларнинг ишга тушиши натижасида маҳаллада кўшимча 118 та янги иш ўрни яратилади. Шу билан бирга, хатлов натижасида кредит олиб тадбиркорлик қилиш истагидаги 20 нафар фуқарога 586 миллион сўмлик имтиёзли банк кредитлари ажратилди.

Бугун 3 минг 400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган мазкур маҳалла аҳолиси ҳам ҳудудда амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда ўз тузар жойларини, масканларини саранжом-саришталигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, маҳаллада томорқа маданиятини ривожлантириш, ердан самарали фойдаланиш мақсадида хонадонлардаги мавжуд 56 гектардан ортиқ майдонда уч марта ҳосил олиш, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, “Ободлик кўнгилдан бошланади”, дея бежиз айтишмайди. Зеро, озода манзилда яшаётган кишининг эртанги кунга ишончи ортади. Мухтасар айтганда, “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” ташаббуси доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган бу ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Давлатимиз раҳбарининг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган савобли ишлари замирида ҳам одамларни рози қилиш, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш мақсади устувордир.

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Яшил боғлик болаларнинг қувончи чексиз

Илҳомжон СОБИРОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси.

Эндигина саккиз ёшни қарши олган Эрланбек Алимов Нукус шаҳрида янгидан барпо этилган Яшил боғ маҳалласида яшайди. Икки йилдан буён у билим олиш учун уйдан бир неча километр узоқда, яъни қўшни маҳаллада жойлашган мактабга боришга мажбур. Йўлнинг узоқлиги эса жажжи мактаб ўқувчисини ҳам чарчатади, ҳам дарсларга кеч қолишига сабаб бўлади. Бу муаммо фақат Эрланни эмас, маҳаллада яшовчи барча ўқувчиларни қийнаб келаётган эди.

Ёш авлодни юқори билимли, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида унга дастлабки кўникмаларни берувчи мактабга ва мактаб таълими ўта зарур ҳисобланади. Албатта, бу уларнинг келажаги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида йил сайин аҳоли сонининг ортиши туфайли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам кўпайиб, бугун уларнинг сони 71 тага етди. Аммо уларнинг ҳар бирида янги мактаб ёки мактабга таълим ташкилотлари бор, деб айта олмаймиз.

Нукус шаҳридаги Яшил боғ маҳалласи ҳам мана шундай ҳудудлардан бири эди.



Буюрлик 783 нафар мактаб ўқувчиси ўтган вақт давомида таълим олиш учун ё қўшни маҳалладаги ёки шаҳар марказидаги мактабга қатнашга мажбур эди. Бу эса, ўз навбатида, болалар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқарган. Узоқ масофа ва серкатнов йўл бошлангич синф ўқувчиси майли, ҳатто ёши каттароқ ўсмирларни ҳам чарчатиши бор гап. Энди эса бу муаммолар ҳақида ўйлашга ҳожат йўқ.

Президентимизнинг тегишли қарори асосида Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туманларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадида республикадаги вилоятларга бириктирилган эди. Шу

асосда пойтахт Тошкент Нукус шаҳрига қўмаклашиш доирасида қатор хайрли ишларни амалга оширди. Улардан бири сифатида Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳомийлиги асосида Яшил боғ маҳалласида 400 уринга эга, барча шароитлар билан таъминланган 54-сонли мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўқув биносининг очилиш маросимида Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси мактабга ва мактаб таълими вазирлигидан меҳмонлар, мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-онаси, маҳалла фуқаролари иштирок этдилар. Сўз-

га чиққанлар республикамызда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, янгиланишлар, ютуқ ва муваффақиятлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг ечимларига тўхталиб, янгидан қуриб битказилган мактабнинг имкониятлари ва қулайликлари ҳақида гапиришди. Умумий ҳисобда 900 млн сўм маблағ эвазига тўлиқ қуриб битказилган мактабда яратилган қулайликлар барчага манзур бўлди. Замонавий, кенг ва ёруғ хоналар, энг сўнгги русумдаги компьютер ва бошқа техник жиҳозларга эга спорт майдончалари энди яшил боғлик болалар учун хизмат қилади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Жарроҳлик биноси
фойдаланишга
топширилди

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик биноси фойдаланишга топширилди.

Маросимда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов сўзга чиқиб, шифокор ва қувувчиларни табриклаб, шундай деди:

– Мазкур муҳташам иншоот қурилиши Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилнинг май ойида бошланган эди. Бундан 95 йил олдин ташкил этилган “Республика шифохонаси” номи билан машҳур бўлган тиббиёт муассасасининг янги, замонавий корпуси 4 қаватдан иборат. Унда диагностика-консультатив поликлиника, турли операцияларни амалга оширишга мўлжалланган жаҳон андозаларига монанд жиҳозларга эга стационар, реабилитация, офтальмология, жигар ва бўйрак трансплантацияси, урогинекология бўлимлари жойлашган.

– Инвестиция дастури доирасида

амалга оширилган қурилиш ишларига 64 миллиард сўм маблағ ажратилган эди, – деди пудрат ташкилоти раҳбари, “Самтехнострой” МЧЖ директори Мизроб Тошев. – Объектни ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, халқимизга муносиб хизмат қилиши учун барча имкониятларни ишга солиди.

Тадбирда республика соғлиқни сақлаш вазири в.б. А. Худайров ҳам сўзга чиқиб, оқ ҳалат сохиблари фаолиятига омад тилади.

Шу куни клиниканинг янги биносидан “Самарқанд-Санкт-Петербург: амалий жарроҳликда замонавий ёндашувлар” доирасида ўтказилаётган халқаро симпозиум қатнашчилари бўлган россиялик таникли жарроҳлар иштирокида дастлабки амалиёт бажарилди.

“Respulika mulk markazi” МЧЖ Фарғона филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган “online-auksion.uz” платформасидаги аукцион савдоларига таклиф этади!

Фағона вилояти Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказининг 2024 йил 25 апрелдаги 74-сонли алоқа хатига асосан, марказ балансидаги жорий таъмирлаш жараёнида бузилишдан чиққан иккиламчи қурилиш материалларни онлайн-аукцион тартибда ўтказиладиган ким ошди савдога қуйидаги бошланғич нархлар билан қўйилмоқда.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Аниқланган тавсиявий қиймати 1 метр ёки донаси учун	Миқдори	Жами қиймати, сўм
1.	МДФ эшиклари кесакиси билан	Дона	200 000	135	27 000 000
2.	МДФ пластик эшиклар	Дона	95 000	7	665 000
3.	МДФ пластик дераза ва витражлар	Дона	95 000	86	8 170 000
4.	Алюмин профили дераза ва витражлар ва эшиклар	Дона	74 000	38	2 812 000
5.	МДФ пластик витражлар	Дона	5 000	40	200 000
6.	Ҳожатхона унитизи	Дона	70 000	4	280 000
7.	Унитаз	Дона	150 000	2	300 000
8.	Душевой поддон керамика		50 000	20	1 000 000
9.	Душевой поддон	Дона	60 000	2	120 000
10.	Унивалник керамика	Дона	70 000	36	2 520 000
11.	МДФ пластик форточкаси	Дона	80 000	16	1 280 000
12.	МДФ пластик форточкаси (0,6*1,75)	Дона	100 000	6	600 000
13.	МДФ пластик форточка	Дона	19 200	1	19 200
14.	Чугун иситиш батареяси		20 000	150	3 000 000
15.	Алюмин иситиш батареялари	Дона	350 000	15	5 250 000
16.	Ковурғали профнастил (0,45 мм)	М²	50 000	253	12 650 000
17.	Ойна кўзгу (0,59*0,39)	Дона	20 000	23	460 000
18.	Металл перилла (40мм)	ПМ	20 000	42	840 000
19.	Ёнгин хавфсизлиги шитлари (0,4*0,6 м)	Дона	15 000	6	90 000

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Аниқланган тавсиявий қиймати 1 метр ёки донаси учун	Миқдори	Жами қиймати, сўм
20.	Ёғоч пол тахталари	М³	100 000	29	2 900 000
21.	Алюмин фрамугалар	Дона	74 000	1	74 000
22.	Фойдаланилмай турган иситиш қозонлари	Комплект	1 500 000	2	3 000 000
23.	Колодез қопқоғи ва рамкаси	Дона	40 000	2	80 000
24.	Козерок металл профил	Комплект	150 000	3	450 000
25.	Металл труба (150 мм)	ПМ	200 000	16,8	3 360 000
26.	Двухтавр 14 см	ПМ	300 000	33,07	9 921 000
27.	Темир эшик	Дона	567 000	1	567 000
28.	Темир панжара металл устунлари	Дона	200 000	8	1 600 000
29.	Темир панжара каркаси	Дона	400 000	24	9 600 000
30.	2 қанотли темир дарвоза каркаси	Дона	3 600 000	1	3 600 000
31.	Калитка каркаси	Дона	360 000	1	360 000
32.	Пишган гишт	Дона	500	300	150 000
33.	Брусчатка	М²	5 000	40	200 000

Онлай-аукцион савдо 2024 йил 4 июнь куни соат 9.00 да “online-auksion.uz” платформасида бошланади. Савдога қўйилган мулклар билан жамиятнинг вакили иштирокида бевосита мулклар сақланаётган жойига бориб танишиш мумкин. **Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати:** 2024 йил 3 июнь куни соат 18.00 да платформа ёпилади. **Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули ҳамда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида “Ахборот-наслаҳат” хизмати учун тўловни “Respublika mulk markazi” МЧЖ Фарғона филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 5005 7145 2010 АТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850. **Тел.:** 73-244-33-88, 90-407-07-62.

1177 рақамли гувоҳнома.

САНЪАТДАН архитектурагача

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Истеъдод инсонни қолганлардан бир бош устун қиладиган илоҳий қувватдир. Аввало, унинг юзага чиқиши учун инсон ўз имкониятларини, салоҳиятини илғай олиши лозим. Истеъдод (арабча “ҳозирламоқ”, “тайёрламоқ”) қобилиятнинг юқори даражада ривожланганини ифода этадиган маънавий фазилатдир. Одатда у барча қобилиятларнинг эмас, бир ёки бир неча қобилиятнинг юқори даражада ривожланганини англатади.

Истеъдодли кишиларнинг фаолияти ўзининг мутлақо янгича ёндашуви, оригиналлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Истеъдод доимо ижод билан ошно бўлади ва муайян ижтимоий эҳтиёжларни ўзида акс эттиради. Бугун сизга ҳикоя қиладиган қаҳрамонимиз ҳам ҳаётнинг не-не чиғирикларидан ўтиб, ўз иқтидорини англаган ва бу орқали халққа хизмат қиладиган серқирра ижодкор, санъатшунос, архитектор ва дизайнер Шухрат Абдуллаевдир.

1969 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилган қаҳрамонимиз ёшлигидан серҳаракат ва қизикувчанлиги билан ажралиб туради. Ёшлиги шаҳардаги Ракат маҳалласида ўтган Шухрат Абдуллаев шўхлиги, ўйинқароқлиги билан тенгдошларининг “додини берадиганлар хилдан” эди. Ўрта мактабни тугатган, унинг олдига бир неча йил туради. Билари кучга тўлиб, улғая бошлаганидан хунар ўрганишга, қурилишда ишлашга, пул жамғаришга ҳаракат қилиб, архитектурага меҳр кўяди. Шу сабаб архитектура йўналишида ўқиш истаги пайдо бўлади. Аммо отаси Неймат Абдуллаев бунга қаршилиқ қилади.

– Тошкент архитектура-қурилиш институти узоқлиги учун ота-онам уйимиз ёндагиди педагогика университетига ўқишга киришини хоҳлашган, – деди Шухрат ака. – Чунки қизиққонлигим ва шўхлигим учун кўздан узоқ бўлишнинг иштамаси-ди. Ўқишга киришга кирдим-у, лекин ўқигим келмади. Бир куни шартта ҳозирги Қамоллидин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтига ўқишимни кўчирдим. Дадам санъатшунос бўлиб, шу институтда дарс беради. У киши “Ўзбек тилида санъат тарихи” дарслигининг муаллифи. Мендаги санъатга бўлган қизиқиш айна у кишидан ўтган. Хар ёз дадамнинг талабалари амалиёт учун турли шаҳарларга, тоғларга чиқишарди. Мен ҳам уларга ҳамроҳлик қилганман.

Архитектура бўйича олийғоҳда ўқимаган бўлсам ҳам асл архитектурани айна шу даргоҳда тушундим. Аслида, санъатшунослик кенг миқёсли соҳалигини кейинчалик англаганман. Бутун патокда 7 киши ўқиган бўлсақ, бизга 15 нафар малакали устоз дарс беради. Хар йили Москванинг Ленинград шаҳрига амалиётга борарди. Институтда нафақат санъатшунослик, балки архитектурани ҳам чуқур ўргатишарди. Ўзим санъатшунослик бўйича ўқишни давом эттирган бўлсам-да, руҳан архитектурани кўпроқ ўргандим. Шу сабаб, илмий ишимни ҳам “ХИХ аср охири ХХ аср бошларида ўзбек миллий интерьерини” мавзусида олдим. Шу билан ҳаётим ижод ва санъат билан қоришиб кетди...

Шухрат Абдуллаев санъат олийгоҳини тамомлаб, қутулмаганди бошқа соҳада ўқишни давом эттирди. Ички ишлар соҳасида таълим олиб, иш фаолиятини ҳам шу соҳадан бошлади. Ички ишлар вазирлигида турли вазифаларда ишлади.

ТАСАВВУР КУЧИ

Тасаввур тараққиётнинг илк манбаси, ибтидоси ҳисобланади. Инсон ўзи тасаввур қила олган нарсаларни кура олади, чиза олади, ёза олади, ярата олади. Бугун архитектура хар қачонгидан ҳам тараққий этмоқда. Шухрат Абдуллаев билан Заҳа Ҳадид ва Қазимир Малеевич мўъжизаси хусусида фикрлашдик.

– Кўпчилики “Нега биздан Заҳа Ҳадидлар чиқмаиди?” деган саволни беради. Мен буни истеъдод бизда етишмагани учун, дея изоҳламаган бўлардим. Ҳозирги архитектура ўта мураккаб. Ҳатто бизда кучли лойиҳаларни амалга ошириш учун керакли программалар етишмади. Аммо бу тўлиқ сабаб эмас. Заҳа Ҳадид рассом Қазимир Малеевичнинг ижодидан кўп таъсирланган, ҳатто илмий ишига мавзу қилиб танлаган. Энг муҳими, рассом идрокини ўта мукаммал илғаб, моддийлаштира олган. Демак, кучли архитектор бўлиш учун санъатни, бўлиб ҳам тасвирий санъатни англаш жуда муҳим. Кейинги масала ўртамеъна фаолиятга қаноат қилиб қолиш. Битта зўр архитектор ажойиб лойиҳа яратиши мумкин, аммо муҳандиснинг бундай лойиҳани амалга оширишга кучи етмаслиги мумкин. Асл истеъдод тан олиниши учун вақт ва маълум шартлар талаб қилинади. Кейин биздаги кўп бурюртмачилар арзон ва аънавий лойиҳа талаб қилади. Ижод ҳам, лойиҳа ҳам молиявий дастакланishi керак. Йўқса, қанчалар кучли лойиҳа яратманг, йўқликка ҳамқум бўлаверарди.

Архитектура хар бир даврининг тафаккур ойнаси. Тарих ва ижтимоий ҳаётни биданлар асосида анализ қилиниши ҳам бежизга эмас. “Заҳа Ҳадид қандай қилиб бунчалик буюк архитектор бўла олган?” деган саволга жавоб топиб кураимиз. У Малеевичнинг “Қора квадрати” каби мушоҳада қилишга ундайдиган, хар бири бетакрор фалсафага эга бинолар кура олган. Бу киши тафаккур тандини бизга ўз кудратини, янги бир руҳни фидоалаб берди. Санъат турлари ичида архитектура энг тушунарлиси, барча учун хизмат қиладиган, ҳаётга қўшилиб ижтимоийлашадиган тури. Ҳамма ҳам Малеевич чизган суратларни тушуна олмаслиги мумкин, аммо Заҳа Ҳадиднинг лойиҳаларини кўзимиз билан кураимиз, ундан фойдаланишимиз мумкин. Шу сабаб, у биз учун жуда таниш, ҳаммиса бизга дуч келадиган бир санъат. Тасвирий санъат эса фақатгина ўзи учун, хослар учун хизмат қилади. Аммо ҳаётдаги фавқулодда буюк жараёнлар, биринчи бўлиб тасвирий санъатда бўй кўрсатади. Шу сабаб, санъатни давр даракчиси, дейишади. Аслида биздан ҳам 100 лаб Заҳа Ҳадидлар чиқади, аммо уларни реалликка айлантириш учун бироз вақт керак. Илмни, таълимни, мустаҳкам интизомни йўлга қўйиш лозим.

МИЛЛИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ТАРИХИЙ НОСТАЛЖИ

Сўнгги йилларда юртимизда туризмин ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби тарихий

шаҳарлар доимий равишда сайёҳлар эътиборида. Умуман, ҳозирги қурилишлар, қадимий қадамжоларнинг аҳамияти борасида суҳбатдошимиз фикрларига қўлоқ тутдик.

– Архитектурада ифода шакли, деган нарсас бор. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кўпроқ неоклассика услубидаги, бир чизикли бинолар билан бўйди. Асосан миллийлик қориштирилган замонавий стиль, дейиш мумкин. 2016 йилгача қурилган барча биноларда асосий ифода шакли миллийлик билан боғлиқ бўлганини кўришимиз мумкин. 2016 йилдан кейин модернистик бинолар пайдо бўла бошлади. Очиқликдаври бошланиши билан бутун дунёга хос, куруқ осмонга интилган функционал бинолар қурилмоқда. Замон нуқтаи назаридан давр оҳангидagi бинолар қурилиши ҳам табиий. Аммо сизга айтишм мумкинки, хар қандай турист учун модернизм аллақачон ўзига хослигини йўқотган. Сайёҳларни ҳайратлантирадиган нарсас қадимий бинолар, ўз ҳолича сақлаб қолинган кўчалар, тарихий нафас. Мен кўпроқ Бухородан завқ оламан. Кўпгина хорижлик дўстларимни кечки Бухоро гўзаллигидан баҳраманд қиламан. Мағоки Атторий масжиди дейсизми, Наршахий Х асрда таърифлаган кўчалар дейсизми, ҳаммаси жуда яхши сақланган. Х асрда таърифланган Бухорони бугун ҳам топишингиз мумкин.

Регистонни ҳаммамиз биламиз, мактаймиз. У шу қадар мукаммал лойиҳаки, бундай ансамбль дунёда йўқ. Бир кафтдек жойига тўғри пропорцияда, қойил қоладиган даражадаги мутаносбликка эришиш жуда мушкул вазифа. Хива, Шахрисабз ҳам тарихий илдиизга эга улуг жойлар ҳисобланади. Аввалроқ Ўзбекистон Давлат санъат музейини қайта лойиҳалаштириш учун япон буритализми билан машхур бўлган архитектор Тадо Андо келиши қутилаётганди. Бундай салоҳиятли инсонлар билан ҳамкорлик қилиш онгимиздаги қобикларни ёрмб чиқишимизга сабаб бўлади. Профессоналлик сари тинмай интилишимиз

керак. Бу йўлда тажриба алмашиш энг самарали йўл, деб ўйлайман.

Шухрат Абдуллаев Тошкент шаҳрига ҳам алоҳида тўхталиб, Темурийлар тарихи музейи, Симпозиумлар саройини неоклассиканинг энг яхши намуналаридан эканига диққат қаратди. Шу билан бирга, эски маҳаллалар ва улардаги кўчаларни сақлаб қолишга интилиш, тарихий носталжини асраш кераклигига ҳам уру берди. Ҳасти Имом ва унинг атрофини оригинал сақлаб қолишимиз, бутунлай янги услубга ўтиш тўғри эмаслигини ҳам қўшимча қилди. Хорижлик архитекторларни кўпроқ жалб қилишимиз, ёшларни уларнинг олдига кўзини пишириб тарбиялаш кераклигини ҳам таъкидлади. Суҳбатимиз охишлаб борар экан, яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтишимиз жоиз. Сўнгги пайтларда шаҳарда яшиллик камийиб кетиши ортидан климнинг инжиқлашиши кузатилмоқда. Эндиликда умумхалқ мулкига айланадиган ижтимоий бинолар, маънавий объектлар қуришга жиддий киришишимиз керак. Ҳеч қандай аттракционсиз яшил боғлар барпо қилиш, фарзандларимиз келажаги ҳақида жиддий бош қотириш вақти келди.

Сўнсўз ўрнида қаҳрамонимиз сўзларини келтирамиз:

– Хар қандай чиройли нарсас архитектура бўлмаслиги мумкин. Архитектуранинг асосида бино тарихи ва аҳамияти ётади. Шу сабаб музей ва театрлар қурилишига меҳрим баланд. Миллий нақшинкорлик, нозик қочиримларни кўриш мумкин. Ижтимоий-маданый бинолар асрлар давомида ҳам актуаллигини йўқотмайди. Шу билан бирга, уни қурган ижодкор номини ҳам асрлардан асрларга ташийди. Агар ҳаммиса қудратли бўлмоқчи бўлсақ, тарихимизни асраб-авайлашимиз керак. Қишлоқ жойларни эса шаҳарлаштириш орқали аҳоли фаровонлигига хизмат қиламиз. Ниятим – ҳаммиса улуг халқлар қаторида бўлиб, миллий ҳаётийлигимиз абадий бўлсин. Дунёни лол қиладиган меъмору усталар етишиб чиқишига тилакдошман.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Озода Жўраева,
Қозим Туяганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МАЪССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎЗАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz
**ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарь вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарь вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарь вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
руйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-541.
1710 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сияфатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.
Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎзА ақуни –
Топширилди – 22.35. 1 2 3 4 5 6

2024 йил 9 май –
Хотира ва қадрлаш куни байрами
пайшанба кунига тўғри келиши
сабабли газетамизнинг
7 ва 10 майдаги сонлари
қўшилган ҳолда 9 май кунга чиқади.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил май ойининг 3-8 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари **Давронжон Адиллов**, Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис **Бахтиёр Карабаев**, Лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Фаррух Муҳаммадиев**, хизмат хоналари фарроши **Гулира Раҳимова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Рўйхатдан ўтмаган қурилш объектлари мониторингини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Рустан Хикматуллаев**, Кўп квартирили уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қондаларига риоя этиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Сирожиiddин Содиқов**, Ер ости сувларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Холмуҳаммад Мамажонов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассис **Эркин Шаниязов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ва атамалар бўлими бошлиғи **Муҳаммад Агаликов**, бош мутахассис **Шахриёр Мансуров**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси фарроши **Феруза Миркомиллова**,

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ бош муҳандислари **Азизбек Луқманов**, **Фарҳод Қуюмов**, муҳандис **Асомжон Хушмуродов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси дурадгори **Икромхўжа Абдуллаев**, Муҳандислик коммуникациялари ва технологиялари бошқармаси бош мутахассиси **Фирдавс Фахризода**, техник бўлим 1-тоифали мутахассиси **Орзухон Султанова**, Тизимий таҳлил, назорат ва хатлар бўлими бош мутахассиси **Абдуғофур Абдуллаев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг хўжалик ҳисобиди фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Ғолиб Тойиров**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Амиршоҳ Нейматов**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Султон Холқўзиев**, Янгибод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Маҳаммадиев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Комил Тўраев**,

Навоий вилояти Учқудук тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси **Ҳасан Жўраев**,

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!